ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARI BILIMLENDIRIW, ILIM HÁM INNOVACIYALAR MINISTRLIGI

ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ VETERINARIYA HÁM SHARWASHÍLÍQTÍ RAWAJLANDÍRÍW KOMITETI

SAMARQAND MÁMLEKETLIK VETERINARIYA MEDICINASÍ, SHARWASHÍLÍQ HÁM BIOTEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI NÓKIS FILIALÍ

VETERINARIYA MEDICINASÍ HÁM SHARWASHÍLÍQTAǴÍ AKTUAL MASHQALALAR HÁM OLARDÍŃ SHESHIMLERI

atamasındaǵı xalıq aralıq ilimiy hám ilimiy-texnikalıq konferenciya materiyalları TOPLAMÍ

15-noyabr 2024-jıl

"VETERINARIYA MEDITSINASI VA CHORVACHILIKDAGI DOLZARB MUAMMOLAR VA ULARNING YECHIMLARI" mavzusidagi xalqaro ilmiy va ilmiy-texnik anjuman materiallari

TO‘PLAMI

15-noyabr 2024-yil

СБОРНИК материалов

международной научно и научно-технической конференции

"АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ И ЖИВОТНОВОДСТВА И ИХ РЕШЕНИЯ"

15 ноября, 2024 г

NÓKIS-2024

ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ JOQARI BILIMLENDIRIW, ILIM HÁM INNOVACIYALAR MINISTRLIGI

ÓZBEKSTAN RESPUBLIKASÍ VETERINARIYA HÁM SHARWASHÍLÍQTÍ RAWAJLANDÍRÍW KOMITETI

SAMARQAND MÁMLEKETLIK VETERINARIYA MEDICINASÍ, SHARWASHÍLÍQ HÁM BIOTEXNOLOGIYALAR UNIVERSITETI NÓKIS FILIALÍ

VETERINARIYA MEDICINASÍ HÁM SHARWASHÍLÍQTAǴÍ AKTUAL MASHQALALAR HÁM OLARDÍŃ SHESHIMLERI

atamasındaǵı xalıq aralıq ilimiy hám ilimiy-texnikalıq konferenciya materiyalları TOPLAMÍ

15-noyabr 2024-jıl

"VETERINARIYA MEDITSINASI VA CHORVACHILIKDAGI DOLZARB MUAMMOLAR VA ULARNING YECHIMLARI" mavzusidagi xalqaro ilmiy va ilmiy-texnik anjuman materiallari

TO‘PLAMI

15-noyabr 2024-yil

СБОРНИК материалов

международной научно и научно-технической конференции

"АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ВЕТЕРИНАРНОЙ МЕДИЦИНЫ И ЖИВОТНОВОДСТВА И ИХ РЕШЕНИЯ"

15 ноября, 2024 г

NÓKIS-2024

usullarining va laktatsiya davrida butoloqlarni o'stirish masalalarining etarlicha ishlamaganligi bo'lib hisoblanadi.

Qorakolpog'iston charvodarlari va soha olimlari oldida turgan asosiy vazifalarning biri tuyalar bosh sonini ko'paytirish bilan bir qatorda yuqori mahsuldorli tuyalar podasini, naslli liniyalar yaratish hamda tuyachilikdan olinadigan mahsulotlar sifatini oshirishning yangi ilmiy, zamonaviy va istiqbolli usullarini ishlab chiqishdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Abdirov B.A va boshqalar, 2004-2006 yillardagi loyiha hisobotlari, Nukus, 35 bet.

2. Баймуканов А.Б. Актуальные вопросы верблюдоводства.Вестник с\х наук Казахстана, Алма-ата, 1982. ст.49-53

3. Eshmuratova S.T. «Tuya suti», J. O'zbekiston qishlok xo'jaligi , Toshkent, № 3, 2006 yil, 25-26 betlar.

4.Turganbaev R., Tleumuratov A. «Qoraqolpog'iston tuyachiligi» Qishloq xo'jaligi mahsulotlarini ishlab chiqarishda faol tadbirkorlik va innovatsion texnologiyalarni qo'llab quvvatlash. O'zbekiston Respublikasi Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi miqyosidagi ilmiy –amaliy anjuman materiallari Termiz, 18-19 may 2018 yil 29-31 bet.

5. Turganbaev R., Tleumuratov A. Tuyalar sut maxsuldorligining yoshi va konstitutsiyasiga bog'liqligi Journal of technical science and innovation, 2020, No 1, Vol 1 15-18 bet.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА ИСТИҚБОЛЛИ LOHMANN BROWN-CLASSIC ВА LOHMANN SANDY КРОССЛАРИГА МАНСУБ ТОВУҚЛАРНИНГ ФИЗИОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Алимбаев Б.К., Айтжанов Р.Т., Ж.Ешниязова

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси,чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиали

Аннотация.Ушбу мақолада "Lohmann brown-classic" ва "Lohmann sandy" кроссларига мансуб товуқларнинг физиологик кўрсаткичлари ўрганилиб, таҳлил қилинган ва хулосалар берилган.

Калит сўзлар. Кросс, тана ҳарорати, юрак уриши, нафас олиши

Annotation. In this article, physiological indicators of chickens belonging to "Lohmann brown-classic" and "Lohmann sandy" crosses are studied, analyzed and conclusions are given.

Key words. Cross, body temperature, heart rate, breathing

Кириш. Паррандалар физиологияси тирик организмнинг физиологик жараёнлари ва фаолиятини, ҳужайралар, тўқималар, органлар ва умуман организм даражасида, уларнинг бир-бири билан ўзаро муносабатларида ва атроф-муҳит шароитлари, сақлаш технологияси, шунингдек паррандаларнинг хулқ-атвор реакцияларини ҳисобга олган ҳолда ўрганади.

Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари физиологияси бўйича ҳақиқий материалларнинг тўпланиши ва унинг умумлаштирилиши бир қатор қоидаларни шакллантиришга имкон берди [2].

Паррандаларнинг физиологиясини ўрганишнинг асосий мақсади паррандачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш учун мақбул шароитларни яратиш билан боғлиқ тадбирларни илмий асослаш учун зарур бўлган паррандалар организмидаги физиологик жараёнлар ва функциялар тўғрисида билимларни шакллантиришдир [1].

Тадқиқотнинг мақсади. Паррандачилик фермер хўжалиги шароитида истиқболли “Ломанн браун-классик”, “Ломанн сэнди” кроссларига мансуб паррандаларнинг физиолгик кўрсаткичлари ўрганиш ва таҳлил асосида маҳсулдорлигига боғликлигини аниқлашдир.

Тадқиқот объекти. Қорақалпоғистон республикаси Элликалья тумани “Нуруммат Курбанов” фермер хўжалигида сақланаётган истиқболли “Ломанн браун-классик”, “Ломанн сэнди” кроссларидан олинган товуқларнинг физиологик кўрсаткичлари.

Бизнинг тадқиқот ишларимизда тана харорати, юрак уриши ва нафас олишининг физиологик кўрсаткичлари 1- жадвалда умумлаштирилган.

1- жадвал

Физиологик кўрсаткичлари

Физиологик кўрсаткичлари	**Кросслар**			
	Lohmann brown-classic,n=20		Lohmann sandy, n=20	
	эрталаб	Кечқурун	эрталаб	кечқурун
	X±Sx			
Тана харорати, S^0	41,3±0,07	41,8±0,06	41,5±0,06	42,1±0,07
Юрак уриши, мин	227,3±4,31	246,4±4,72	234,5±4,46	256,2±5,24
Нафас олиши, мин	19,3±0,25	21,9±0,41	19,6±0,37	25,8±0,47

1- жадвал маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, тана харорати S^0 эрталаб ва кечқурунги аниқлаш даврларида, Lohmann brown-classic кроссларига мансуб товуқларда фарқланишлар кузатилиб, кечқурунги тана ҳарорати бўйича, 0,5 градусга юқори бўлган бўлса, ушбу кўрсаткич Lohmann sandy кроссларига мансуб товуқларда эса, шунга мос равишда 0,6 градусга фарқланди. Кросслар орасидаги катта фарқланишлар (0,2-0,3 градус) бўлмади. Юрак уриши кўрсаткичи бўйича олинган маълумотларда эса, эрталабки аниқлашда 227,3±4,31 бўлган бўлса, кечқурунлари бу кўрсаткич 246,4±4,72-ни ташкил қилди. Яъний кечқурунлар 1-минутда юрак уриши анча ошганлиги, эрталабкига нисбатан 19,1-га кўпроқ бўлди. Кросслар орасидаги фарқланишлар эса, Lohmann sandy кроссларига тегишли товуқларда эрталабги юрак уриши кўрсаткичи 234,5±4,46 -ни ташкил қилган бўлса, кечқурунги 256,2±5,24-га тенг бўлди. Эрталабки юрак уриши Lohmann brown-classic кросслари товуқларига нисбатан Lohmann sandy товуқларида 7,2 марта ва кечқурунги эса, 9,8 марта кўп бўлди.

Нафас олиши частотаси бўйича олинган маълумотларда Lohmann brown-classic кроссга мансуб товуқларда эрталабки 19,3±0,25 марта бўлган бўлса, кечқурунгида 21,9±0,41 -га тенг бўлди. Шунга мос равишда Lohmann sandy товуқларида 19,6±0,37 ва 25,8±0,47 мартани ташкил қилди.

Хулоса тариқасида айтиш мумкинки, иккала кроссларда ҳам эрталабки физиологик кўрсаткичлари камроқ бўлиб, кечқурунги кўрсаткичлар ошганлигини кўриш мумкин. Маълумки, паррандалар соғломлиги, маҳсулдорлдиги кўп жиҳатдан улар организмида кечаётган физиологик жараёнларга боғлиқ бўлиб, моддалар алмашинуви жараёнларини ўрганиш паррандалар селекциясида муҳим аҳамиятга эга.

Товуқлар физиологик ҳолатига бир қанча омиллар таъсир этиб, улардан асосийсилари иқлим ўзгаришлари, сақлаш шароити, озиқлантириш усулларига боғлиқ ҳолда, ижобий ёки салбий томонга ўзгариши мумкинлиги кўп сонли соҳа олимлари таъкидлайдилар. Паррандаларнинг клиник ва физиологик ҳолатига қараб, унинг соғломлиги ҳақида фикр юритиш, организмда моддалар алмашинуви жараёнига баҳо бериш мумкин.

Паррандалар тана ҳарорати, юрак уришининг ритми, нафас олиш сони уларнинг нормал ёки патологик ҳолатини аниқлашда муҳим ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1.Маҳмудов М, Ортиқова Л. Товуқлар парвариши.//ж. Зооветеринария №2. 2009. Тошкент. б 47-48.

2.Мирсаидов Б. “Паррандачиликни ривожлантириш истиқболлари” //ж. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги №1.2011.Тошкент.-б. 10-11.

3. https://webferma.com/pticevodstvo/kuri/porodi/crosses/loman-braun-dlya-podvorya.html

4.Przytulski T., Porzeczkowska D. Polymorphism of Blood Serum amylase and tranferrin and teptospirosis in large white polish pigs.- Brit. Vet, J., 1979, Vol. 135, N1, p.103-107.

5.Sutton H.E. Genetic polymorphism in human blood.-Annu. Rev, Genet. Palo, Alfo, Calif, 1977, Vol. 11, p.13-28.

6.Sutton H.E., Jamieson G.A. Transferrin, Haptoglobin and Ceruloplasmin.- In.: Glicoproteins. Their composition, Structure and Function. London - New - York, 1972, Vol. 5, p.653-698.

7.Wachburn K.W., Stino F.K. Changes in reproductive traits associated with Selection for packed erythrocyte volume in Japanese quail.- Poultry Sc., 1973, Vol. 52, N6, p. 2147-2152.

8.Wallace D.G., Wilson A.C. Comparison of Frog Albumins wits those of Other Vertebrates.-J-Molec, Evolution, 1972, C2, p. 78-87.